

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 8 ноябр Шанба. № 87 (14479)

ЭЪТИРОФ

Корея Республикаси элчихонаси мамлакатларимиз уртасида нафақат иқтисодий, балки сиёсат, дипломатия, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўйишга бутун қучини сарфлайверади. Айниқса, 60 йилдан буён Ўзбекистонда яшаётган корейларга катта ғамхўрлик кўрсатаётган Ислам Абдуганиевич Каримов жаноби олийларига миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман. Корея Республикаси ҳукумати Ўзбекистонда яшаётган корейларга тарихий ватанлари анъаналари ва маданиятини сақлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг муносиб фуқаролари бўлишлари учун бутун қуч-ғайратини аямайди.

ЧЕ ЁНГ ХА,
Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фахуллода ва мухтор элчиси

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда. 7 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов «Озодлик» /Прага/ радиостанцияси мухбирлари Замира Эшнова, Фурқат Яқвалжоев ҳамда Буюк Британиянинг Би-Би-Си радиостанцияси Тошкент бюроси мухбири Пахлавон Тургунов билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари журналистларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг бориши, улар бераётган дастлабки самаралар, одамлар тафаккурини ўзгартириш борасида қилинаётган ишлар ҳусусида батафсил сўзлаб берди. Иқтисодий янги асосларга ўтказиш, жамият ҳаётини ислох қилиш, демократия тамойилларини қарор топтириш осон кечмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Тараққиёт йўлидан борилад экан, бу ҳаракат давомида турли муаммолар, саволлар туғилиши табиийдир. Ошқора мулоқот чоғида Президент ислохотларнинг ҳозирги босқичида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳусусида тўхталди, уларни амалга ошириш йўллари борасидаги фикрларини баён этди.

Журналистлар самимий сўхбат учун миннатдорлик билдириб, мазкур учрашув дунё жамоатчилигига Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини етказишда муҳим омили бўлишини таъкидладилар. Учрашувда Президентнинг матбуот котиби М.Муҳаммад Дўст, Президент девони ахборот маркази раҳбари С.Ҳакимов қатнашди.

КУН ТАРТИБИДА — БОШ МАВЗУ

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан республикамизда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий Жамғармаси ташкил этилганига бир йил бўлди. Бугунги кунда жамғарма Тошкент шаҳри ва вилоятларда ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўз бўлиmlарига эга. Унинг қошида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Миллий матбуот маркази, «Истиқлол» нашриёти, «Хуррият» мустақил газетаси, «Ўзбегим» концерт гуруҳи ва бошқа муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Жамғарма мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг чинакам «Туртинчи ҳокимият»га айланишига кўмаклашиш, журналистлар маҳоратини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, турли нашр муассасалари ва телерадионинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш, хориждаги жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш бо-

ШАХРИХОН ҚИЗЛАРИ



Шахрихондаги тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир гуруҳ чеварлари. Суратқаш А. ГЕРАСИМОВ

МЕТРОНИНГ НАВҚИРОНЛИГИ

Бундан роппа-роса 20 йил аввал Тошкент ероти йўли — Метрополитени ишга туширилган эди. Ҳозирги кунда йўловчиларнинг сонини 3 миллиардга етди. Ҳар бир бекатдан бир кунда 950 бор поездлар қатнови йўлга қўйилган бўлиб, кечаю-кундуз йўловчиларга хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан биз Тошкент метрополитени бошлиғининг маслаҳатчиси «Дўстлик» ордени соҳиби Шонноят Шоабдурахимов билан сўхбатлашдик.

— Мен 1971 йилдан буён метро қурилиши ишлари билан шуғулланиб келаман. Йигирма йил давомида метрополитенга раҳбарлик қилдим. Жамоа орасида интизомни биринчи ўринга қўйганимиз боис, ҳали бирор киши бизнинг фаолиятимиздан норози бўлмади.

Биз бугунги кунда янги йўналишлар бўйича лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини олиб бормоқдамиз.

1996 йили МДХ давлатларидagi шахрларнинг метрополитенлари раҳбарларининг учрашуви бунга мисол бўлади. Умуман йигирма йил давоми-

М у н о с а б а т Байроқ туморимиз бўлсин

Кеча телевидение орқали мустақил Ўзбекистон фарзанди Руслан Чагаевнинг Будапештада ўтказилган жаҳон чемпионатида «жанг»ларини кўрдим. Руслан барча рақибларини енгиб, чемпион бўлганини билсам-да, унинг ҳар бир «жанг»ини ҳаяжон билан кузатиб ўтирдим.

Руслан эришган ўзган ғалаба, тўғри чемпионнинг юртимизда қандай иззат-икром билан қутиб олингани, Президентимиз Фармонига биноан «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирлангани, шунингдек, «Нексия» автомобили ва ўн минг доллар эгаси бўлганини кўпчилик яхши билади. Шунинг учун ҳам ҳозир гап Русланиннг спорт борасидаги маҳоратида эмас, бошқа жиҳати ҳусусида боради.

Дастлаб уни ғалаба билан олқишлаётган томошабинлар ҳилпиратаётган Ўзбекистон байроғини кўриб, тўққиллашиб ўтирдим. Кейин...

Руслан қўлқопи, бош кийимни ечиб, рақиб ва унинг устозлари табригини қабул қилгач, рингнинг ўзидек елкасига олдатиладек спорт кийимини эмас... Байроғимизни ташлаб олди! Рингги шу ҳолда — Байроғимизга ўранган ҳолда тарк этди! Бу ўринда кубалик спортчилар сафида юз берган жанжал-тўполонни эслатиб ўтириш жоиз эмас, деб ўйлайман.

Кейин голибларни тақдирлаш маросими бўлди. Тетага ўз вакили голиблик учун курашган тўрт мамлакат — Куба, Германия, Дания ва Ўзбекистон байроғи илинган. Табиийки, Ўзбекистон байроғи уларнинг энг юқорисида ҳилпирайоти. Шохуланнинг энг юқори поғонасига қутариладиган Руслан Чагаев бу ерга ҳам юртимиз байроғига ўраниб чиқди!

Умуман бу гал манзара бутунлай бошқача бўлди. Илгари голиб шарафига унинг мамлақати мадҳияси фақат оркестр

1997 йил — Ислам манфаатлари йили

Болалар тўғрисида ғамхўрлик

Ноябр ойининг бошларида Андижондаги камхарж оилалардан тўрт мингдан ортиқ мактаб ўқувчиси дарсга янги кийимда келди.

Мамлакатимиз Президентининг фармойишини амалга оширишга оид тadbирлар доирасида 1-4-синфларнинг ўқувчиларига иссиқ кийимлар ва пой-афзал текинга берилди. Ёш авлод тўғрисидаги бундай ғамхўрлик учун болалар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам давлатимиз бошлиғига чин ороқдан миннатдорлик билдирилди.

Қиш олдидан республиканиннг бошқа вилоятларида ҳам кўп бўлади ва камхарж оилалардаги болалар ҳам ана шундай совға олмақда.

Ў.А. МУХБИРИ

Санъаткорлар тухфаси

Йўлдош Охунбоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театри шоир Тулан Низомнинг «Чўлпон» драматини сахналаштиришга киришди. Асарга иқтидорли санъаткор Толиб хожи Ҳамидов режиссерлик қилмоқда. Чўлпон сиймосини Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Баҳоидир Ҳамидонов яратди. Бастакор — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мустафо Бафоев. Янги сахна асари Абдулхамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги кунларида намойиш этилади.

К. НИЗОМОВ, Ў.А. МУХБИРИ

Норахўрлик — иллат

УЗАТИБ ТУРМАСАНГ УНМАЙДИ

Маълум бўлишича, хориж сармоясини мамлакат иқтисодийга жалб қилиш мақсадида россиялик раҳбарларнинг уюштирилган музокара ва бошқа учрашулардаги савий-ҳаракатига чет эллик кўпбал сармоядорлар панжа орасидан қарар экан. «Бунга ўзимиз сабабчимиз», — деб ёзди «Трун» газетасининг мухбири.

Яқинда Буюк Британиянинг «Control risks group» консалтинг хизматининг АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Скандинавия мамлакатларининг юздан ортиқ йирик компания раҳбарлари билан ўтказган сўров натижаси эълон қилинди. Улар қайси мамлакатларда «Узатиб турмасанг унмайди» қабилдаги тамойилга амал қилиб иш юритилиши ҳақида фикр билдиришди. «Афсуслик», — деб ёзди мухбир, — бундай мамлакатлар рўйхатида Россия карбонбошилиқ қилади». Кейинги ўринда Нигерия давлати экан. Шунингдек, унналикдаги «илгорлар» сафини Украина, Гана, Қозғистон, Болгария ва Югославия каби давлатлар давом эттирар экан.

Ушбу сўровнинг натижаси яна Европа қайта қуриш ва ривожланиш банки томонидан тайёрланган шарҳ билан ҳам эътироф этилган: коррупция Африка мамлакатларида 15 фоизга, Латин Америкаси давлатларида 25 фоизга тарқалган экан. Европа қайта қуриш вб ривожланиш банкининг таъкидлашича, бунга сабаб шу мамлакатлардаги ҳукумат аъзоларидир.

Британия экспертларининг аниқлашича, Россияда фаолият кўрсатаётган хорижлик фирмалар беихтиёр ноқонуний молиявий битимларга аралашиб қоладилар ва шартномалардан айрилиб қолишдан қўриқиб пора бердилар. Лекин британиялик экспертлар «маҳаллий қонунлар уйини»нинг оқибати билан огоҳлантирадилар: хорижда ҳукумат бошлиқларини сотиб олганликлари учун улар ўз ватанларида қонуний жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Санд АЗИЗ

ЎЗГА ЭЛЛАРДА НИМА ГАП?

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ давлат котиби Малден Олбрайт келгуси ҳафта Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешга боради. Бу сафардан қўзланган мақсад АҚШ Президенти Билл Клинтонни келаси йил бошида юқорида санаб ўтилган мамлакатларга қилади-ган сафарига тайёргарлик кўриш билан изоҳланади. Бу ҳақда Америка ташқи сиёсат маҳкамаси вакили Жеймс Рубин хабар қилди.

Олбрайт хоним Катарда ўтказиладиган Яқин Шарқ иқтисодий саммитининг очилиш маросимида иштирок этганидан сўнг, яъни 16 ноябр кунини Покистонда бўлади. Ж.Рубиннинг айтишича, АҚШ давлат котиби Исламободда ушбу мамлакат раҳбариятини демократик ўзгаришлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари қондала-

рига риоя этиш ва диний масалаларда кўпроқ сабрбардош кўрсатишга даъват этишни режалаштирган. У, шунингдек, Покистон раҳбарлари билан Афғонистондаги зиддиятларга барҳам бериш масаласини ҳам кўриб чиқиш ва бошқа қатор масалалар юзасидан музокара-лар олиб боришни мўлжаллаётир. Шунингдек, АҚШ давлат котибининг сафари чоғида Деҳлида икки мамлакат ҳамкорлиги стратегияси ҳамда атроф муҳит муҳофазасига оид, Бангладешда эса демократик ва иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Б У Х А Р Е С Т. Пайшанба кунини кечкурун Руминия пойтахти кўчаларидаги ҳамма чироқлар бир-

данига ўчди, шаҳарнинг сирена қўнғироклари қаттиқ жаранглаб, черковларда бонг чалинди. Турар-жой биноларида чироқлар ўчиб қолди. Бухарест кўчаларида қатнаётган транспорт воситалари тақа-тақ тўхтаб қолди. Бу уруш йилларидан кейин Руминиядаги энг катта фуқаро мудофааси ўқув машқи бошлангандан сўнг содир бўлди. Мазкур машқни ўтказишдан мақсад фахуллода ҳолатларда авария тизими қандай ишлаши ва бундай ҳолатда аҳоли ўзини қандай тутишини синаб кўриш эди.

С Я Н Г А Н /Гонконг/. Таиландда Бош вазир Чавалит Йонгчайот истеъфо берди. У жумага ўтар кечаси қирол Пумпипон Адулядетга истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасини расман топширишга мажбур бўлди. Бош вазирга мамлакатни урушдан кейинги йиллар мобайнида юзага келган чуқур иқтисодий инқироздан олиб чиқишга қодир эмасликда айб қўйилган эди.

Азиз муштарийлар!

«ТУРКИСТОН»га обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз: ташкилотлар учун-204; яқка тартибдаги обуначилар учун 203,

«Туркистон» Сиз билан бирга!

Муносабат

Акмал САИДОВ, Абдулҳаким ШАРҒИЙ ЖУЗЖОНИЙ

ШАРҒИЙ МАНБАЛАРИДА ИНСОН ХУҚУҚИ ТАҲДИДИ

(Охири. Аввали ўтган сонда)

Мусулмон ҳуқуқи нормалари биноан, ислом давлатларида мусулмонлар билан зиммийлар (мусулмон бўлмаган фуқаролар) қонун олдида тенг бўлганлар...

Темурийлар даврида мусулмон бўлмаган фуқаролар учун давлат идораларида катта ўринлар берилган. Масалан, христиан динининг буюк руҳоний намояндаси (султония ускуфи) соҳибқирон Темурийнинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлиб...

Бобурийлар салтанатида мусулмон бўлмаган ҳиндулар жуда катта ўринларни эгаллаб, катта қўмондонлар ва ҳокимлар сифатида шох мажлисларида эъозли ўринларда ўтирганлар.

Мусулмон ҳуқуқи мезонлари асосида ҳайвонларни ҳимоя қилиш ҳам муҳтабис вазифалардан ҳисобланган. У юк ташувчи ҳайвонларга ҳалдан ортиқ юк ортиш, касал ва ярадор бўлган жониворларни ишлатишга руҳсат бермай...

1

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ислом таълимотидан илҳомланган Шарқ мутафаккири ва шoirлари ҳам ҳар доим инсонни улуғлаб, унинг мақомини кўкка кўтариб, инсонлар орасида тенг ҳуқуқлилик, тинч-товуш яшаш гоиларини тарғиб қилиб келганлар.

"Иккинчи муаллим" унвонига сазовор бўлган буюк Шарқ файласуфи Абу Наср Фаробий Афлотун қарашларини ривожлантириб, у даврининг талаблари ва зарурятларидан келиб чиққан ҳолда, инсон бахтиёр ва тинч ҳаёт кечириш учун, қандай бир жамиятда яшаш керак, деган саволга, иккинчи йirik мутафаккир сифатида жавоб қилиб, унинг қимматли асарларидан бири "Ороу-аҳдид-мадийнатид фозила" ("Маданиятнинг шаҳар аҳолисининг қарашлари")ни ёзган.

Фаробий жамиятни "алмадина" деб атаб, уни икки тур, яъни "алмадийнатул-фозила" ва "алмадийнатун-нозила" ёки "алмадийнатул-жоҳила" (тубдан ёки билмсиз жамият)га бўлиб. Унингча "Мадийнат фозила"да адолат ва ҳақиқий соддат ҳукмрон бўлиб, ҳақим ва билимдон ҳукмрон томонидан бошқарилади. Бундай жамият инсоннинг соғлом баланига ўхшайди. Унинг раҳбари кучли жисму руҳ эгаси бўлиб, юксак онгли ва яхши ифода этиш истеъдодида эга бўлиши лозим. У, билимга чанқоқ, шаҳсоний истаклардан ҳавю ва ҳавасдан йироқ, дунёвий лаззатларга парвосиз, улғувор, адолатсевар, зулму ситамга қарши, юмшоқ табиати, жасур ва ҳақиқат ҳомиеси бўлиши керак. Бундай раҳбар томонидан бошқариладиган жамиятга тартиб-қоида ўрнатилган бўлиб, жамият аъзолари орасида бир-бирига ёрдамлаштири руҳи кучли бўлади. Натигада одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъмин қилиниб, зарари ишлардан уюқда тураладилар. Қўсқача қилиб айтганда, Фаробий фикрича, инсонларнинг тинч ва бахтиёр яшаш, тақомиллашган ва руҳоний фаилатларга эга бўлган бир жамиятга таъмин бўлиши мумкин.

Ибнуд-Арабий, Фаридулдин Аттор, Жалолиддин Румий ва бошқа "вахид" фалсафаси тарafdорлари фикрича, инсон руҳий томондан юксалиб бориб, яратувчи ақилдан келган кейин у билан бирлишши мумкин. Масалан, Жалолиддин Румий унинг шох асари бўлимиш "Маснавий"сида инсон тақомили босқичларини кўрсатиб ўтгандан кейин, унинг инсоний даражадаги энг олий ва тасаввур қилиб бўлмайдиган даражага кўтариллишини бундай тасвирлайди:

2

Яна бир марта кўкдан қанот қоқиб учиб, тасаввурга сиймайдиган нарсасга айланман.

Шарқнинг буюк мутафаккири шoirлари, жумладан, Хофиз ва Навоий инсонлар орасидаги диний ва маърифий фарқларни эътироф этиб, барча инсонларни ягона ҳақиқат, яъни яратувчининг қилдирувчилари сифатида тэн олганлар. Уларнинг фикрича, ҳам масжид, ҳам Каъба, ҳам дайр ва калйисо (черков)да ягона таңрига сенигилади, ниҳоят, ҳар ким ўзи танлаган йўлдан ҳақиқатга эришмоқчи бўлади. Шу боғида уларнинг ҳеч бирига қарши турши тўғри эмас. Масалан, Хофиз Шероий барчани ёрни излашда қўрайди. Унингча барча жойларда - масжиддан тортиб "қаниш" (яхудийлар) ва исевиайлар (ибодатхонаси)гача инсонларнинг ҳақиқий маъбудга қаратилган ишқининг уийдир:

Ҳама кас толиб ёрст чи хўшёр, чи маст, Ҳама жо хонаи ишк аст чи масжид чи қаништ. Алишер Навоий ҳам хонақоҳ ичра ва ҳам дайр ичра барча инсонлар яратувчи зикири билан машғул бўлиб, габр ва мўмин бирдек унинг қошига қараб сажда қилмоқдалар дейди: Демокко зикиринг эрур ҳанвоқоҳ ичра, ҳаёху, Салойи ишқинг ила аҳли дайр ичра ололо.

Буюк шoir шайх Салбий унинг ҳикмат, ахлоқ-одоб мезонлари билан тўла бўлган китоби "Гулистон"да турки қиссалар ва ҳикоялар орқали инсонларга нисбатан самимийона муносабатда бўлиб, улар учун қайғурган ва маълум одамлар ҳуқуқини ҳимоя қилиб, зуравонларга қарши фикр билдирган. Биз кўйда ушбу шoirнинг айрим фикр-мулоҳазаларини таржима қилиб таъджим этганим:

"Кўчли билалар билан, кўчсиз мискиларнинг панжаларини сийдинри адолатдан эмас. Маздўмларга раҳму шафқат кўрсатмаган билмайдиқким, агар бир куни келиб оқсдан ичкиладиган бўлса, ҳеч ким унга қўл узатиб ёрдам бермайди". "Эй, кўли остидагиларга озор берувчи, қачонгача бу зулм-ситам давом этади, бунча одамозорликдан, ўлганниг яхшироқ эмасми?"

"Юк ташувчи сийгилар ва эшаклар одамозор кийилардан ахшироқдир". "Ҳокимият тенасида турган мансабдор одамлар молини ноҳақ йўлдан еийишга ҳақид эмас. Катта суқкин ютиш мумкин, лекин агар у кийликка эчкилаб қолса, қорини йиртиб ташлайди". Шайх Салбий пайгамбарнинг бир хидисидан илҳомланиб, инсонларни бир баланднинг аъзолари ўхшатиб, агар бирон узв огрибса, бошқа аъзолар ҳам унга қўшилиб, беқарор бўлади дейди ва барча инсонлараро дўстлик ва ҳамдардлик гоиларини талқин этади.

Озарбойжон буюк шoirи мавлоно Фўзулий, қул билан углини бир-бирига тенг қўйиб, қўлингга ўлинг қул беи меҳру

3

шафқат кўзи билан боқ, ўлингни қўлдек меҳнат қилишга ўргат деб тавсия қилган эди:

Эй хожа гар қулуғдан ўғуллуқ мурул эса, Шафқат кўзи-ла боқ анга доим ўғул каби. Гар ўғулга диларасак ўла соҳиб элаб, Албатта айла зиллатта муътол қул каби. Алишер Навоий инсонсеварлик гоиларини таранум этишда ўзига хос ўрин тутди. У "Ҳайратул-аброр"да инсон мақомини эъозлаб бундай дейди: Барчасини гарчи латийф айладиқим, Барчадан инсонни шарийф айладиқим. У барча инсонларни бирлик ва дўстликка чақириб, олам аҳлига қаратиб бундай хитоб этади: Олам аҳли билинғизким иш эмас душманлиг, Ер улинг бир-бирингизга ким эрур ёрлиг иш. Бошқаларнинг ғамидан таъсирланмаганларни, одам қаторида ҳисобламайди:

Одамий эрсанг демағил одамий, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами. Навоий қўйидаги сермазмун мисра орқали барча инсоният учун қайғуриб, уларга ҳамдардлик изҳор қилиб, ёрдам беришга чақиради:

Бори олам аҳлига ҳамдард бў! Навоий "Салди Искандарий" достонида Искандар мисолида бир идеал шохни тасвирлаб, унинг тилидан ўз сийеси ва ижтимоий гоиларини ифодалайди. Унингча инсонлар ҳақ-ҳуқуқларини оёқрети қилишга, зулму ситам ва адолатсизлик сабаб бўлади.

Искандар унинг шохлик вазифасини қабул қилишга розилик беришини сўраб келган халқ намояндаларига, одил султон қўйидаги сифатларга эга бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Биринчидан, давлат арбоблари томонидан раиятга зулму ситам олдини олиш. Иккинчидан, йўллар хавфсизлигини таъминлаб, қароқчилар гуруҳига барҳам бериш. Учинчидан, ўғрилар ва улус мулкига кўз-олайитидагиларнинг дамини қонун-қоидалар орқали тўсиш. Туртинчидан, яратувчи буйруғига биноан, ҳар доим миллат томонида бўлиб, уларни ҳимоя қилиш. Бешинчидан, зolimлар элгини халқ ёқасидан узиб, уларнинг осойишталигини таъминлаш.

Алишер Навоий "Ҳайратул-аброр"нинг учинчи мақолатини султонларга ва улар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган адолат ва инсофга бағишлайди. У султонга хитоб айлаб, инсоний ҳиждатун у билан оддий фуқаролар орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини таъкидлайди. Уша даврда

4

инсонлар учун чин кўнглидан қайғуриб, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун иқтидорли шохларга қараб, "Эй, султон, сен ҳам оддий одамлар каби қора тупроқдан яралгансан. Кўрмайсанми, баланидаги барча аъзоларинг, суратинг ҳам ва моддий моҳиятинг ҳам оддий инсонларникидан фарқи йўқ, шунинг учун ҳам инсон сифатида улар билан тенгсан ва улардан ҳеч қандай афзалликка эга эмассан", деб фарёд чекмоқ, инсон мақомига чўқур ишонши ва ниҳоят, одий жасорат талаб қиларди:

Бал муниким сен доғи бир байдасен, Кўброқидин оқижу афғалдасен. Эрмас алар тўфруго сен нури пок, Халқат алороғу санго тийрак хок. Барча жаворих била аълода тенг, Сурати навъийно-ҳаюлода тенг. Навоий шухода Бадиуззамон Мирзога қаратиб бундай дейди:

Шоҳки иш ади ила бунёд этар, Алл бузуг муаким обод этар. Кофйри одил ани обод этиб, Муниинг зolim ани барбод этиб.

Алишер Навоий султонни шariat қонунларини тадбиқ этиш орқали одамларга хизмат қилишга тарғиб этади. У қонун олдида инсонларнинг ижтимоий ўрни, мансаб ва рутбасидан қатъи назар тенг бўлишини истаиди. Учинчи мақолатнинг охириги қисмида султон Хусайн Бойқоро бир кампир аёл даввоси асосида у билан судга бориб, ҳози хузурига тургани ҳақида ҳикоят қилади.

Қари кампир шохга сен ҳокимият учун курашаётган даврингда, ўғлимни ўлдиргансан, мен билан қозига боришингни истаиман, деб фарёд чекади. Қози талабига биноан кампир иккита тўвоҳ ўтказгандан кейин, Хусайн Бойқоро ўз гуноҳига икорор бўлади.

Қози шariat аҳкомига биноан давлоғар хоҳласа қасос олсин, бўлмас шох дият (қон баҳо) тўласин, деб ҳукм чиқаради. Ушанда султон шariat қонунни тўғрисида мен жонимни беришга ҳам тайёрман деб, бир томонга қон баҳоси учун юз ҳаммени тўлдириб қўйди, бошқа томондан ўз буйинини боғлаб, қиличнинг зoliniнг қўлига тўтқазди ва унга қараб хоҳласанг қасос ол, хоҳласанг қон баҳоси олгин, дейди.

Кампир қўйилмаган бундай ақлолни кўргач, бирдан ўзини султон оёғига ташлаб ур сўрайди. Иқтидорли султон томонидан кўрсатилган бундай адолатпарварликдан лол қолиб, "Ўғлим қонини сенга бағишладим, энди ўз жонимни ҳам

5

сенга беришга ҳозирман" деб ёлборди.

Султон уни ердан кўтариб, тасалли бергандан кейин, адолат юзасидан уни катта мулкку давлат эгаси қилади. Навоий ўзи истаган одил султонни баъзан Хусайн Бойқоро тисолида кўриб турали, у амалда қонун олдида шоху гадо тенглигини кўрсатгани учун фахрларидан. Навоий шохни адолатга чақириб, зулму ситам билан фуқаролар ҳуқуқини поймол қилишдан қўрқитди:

Ҳақ сени ади эткоди султон қилиб, Зуам йла сен халқин сайрон қилиб. Навоий шохга хитобан агар сен одамлар ҳуқуқидан бир сийиқ игнани есанг ҳам, у бағринга, олмас личиғидек сангчусидур, дейди.


Навоий ҳаёт нималигини яхши сезади, барча учун ҳаёт давомини тилайди, биров ўлимдан фақат қабр қазувчи, ўликни ювувчи ва жаллодлар хурсанд бўлишини нафрат билан эслатади

Улки биров ўлмоғидин шол эрур, Тарқини, госилу-жаллол эрур.

ХОТИМА

Ўқориди айтиб ўтилганлардан ҳулоса чиқариб, таъкидлаб ўтиш керакки, инсон ҳуқуқларига ишонши, амалий ҳаётда уларни ҳурмат қилиб, давлатлардан шарқ мутафаккири тафовутсиз бўлмаслики талаб қилиш. Шарқ мамлакатлари халқлари, айниқса, мусулмонлар руҳига сингиб кетган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари, эркинликларини риоя ва ҳурмат қилиб, амалиётда уларни қўллаб-қувватлаш учун руҳий ва зихрий (субъектив) шароит билан бирга, жиддий интилиш маъжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан инсон ҳуқуқларига катта эътибор қаратилиб, уларни таъминлаш учун аниқ йўлданмилар берилиб, айрим фармонлар чиқарилиши, бу йўлда қўйилган асосий қадамлардан ҳисобланади. Ушбу сийёсат асосида охириги вақтларда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази, инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили лавозими, Олий Мажлис қошида амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини тасийиш, давлат юридик институтини халқаро ва қийсий ҳуқуқ кафедраси таркибида инсон ҳуқуқлари ва гуманитар фанларни ўргатиш маркази ташкил этилиб иш бошланди, ушбу олий мақсадга эришиш учун муносиб шарт-шароитлар яратиб беради.

6



Навоий шаҳар автосаройи Мухаммадқулов

етишидир. Маркетинг ва мониторинг агентлик аппарати ишонинг асосий ташкил этувчилари бўлиб қолади. Ишлаб чиқариш, техникавий масалаларни ҳал этиш, "Маҳаллий-Телеком", "Халқаро-Телеком" акциядорлик компаниялари ва "Ўзбекистон почтаси" Давлат-акциядорлик компаниясига юклатилган.

Шу билан бирга агентликнинг ҳам ўзига яраша жавобгарлики талаб этилган вазифалари бор. Булар -- электр ва почта алоқаси, радио ва телевидение хизматларини кўрсатиш соҳасида техникавий сийёсатни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, рақобат муҳитини ташкил этиш, алоқа тармоқларини ривожлантириш ва қайта таъмирлаш учун чет эл инвестицияларини жорий этишидир. Кўрсатиб ўтилган вазифалардан ташқари технологияларни жорий этиш, мижозлар ҳуқуқини ҳимоялаш, фавқулодда вазиятлар ҳолатида алоқа корхоналари иштини мувофиқлаштириш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Агентлик томонидан чиқарилаётган меъерий ҳужжатлар алоқа хизматининг барча мижозлари учун мажбурий эканлигини белгилаб ўтмоқчиман.

Қўлидаётган барча ишлар

«Туркистон» технокорхонасида АЛОҚАЧИ: У БУГҮН ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА?

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши халқ ҳўжалигининг барча жабҳаларини тубдан ўзгартириш учун юксак имкониятлар очиб берди. Бу алоқа каби муҳим соҳага ҳам тегишлидир. Кейинги йилларда алоқа соҳасида халқ ҳўжалигига хизмат кўрсатиш муаммоларини ҳал этиш йўлида анчагина ишлар қилинди. Шунингдек, кўпгина вазифалар ўз ечимини тона бошлади.

Тахририй меҳмони -- Ўзбекистон почта ва Телекоммуникациялар агентлиги Бosh директори Абдувоҳид ЖўРАБОЕВ--илтимосимизга кўра, ушбу агентлик фаолиятининг асосий йўналишлари, алоқа хизмати соҳаси истиқболлари ва режалари ҳақида сўзлаб берди:

Газетхонларда Алоқа вазирлигининг Агентлигига айлантирилиши хусусида саволлар туғилганлиги эҳтимолдан ҳоли бўлмас керак? Мавжуд саволларга бажонидил жавоб бераман.

Бошқа тармоқларда бўлгани каби бизнинг соҳада ҳам давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кенг миқёсда олиб борилмақда. Алоқа идораларида асосий иш фаолиятига кирмайдиган барча корхоналар мулк шакллари ўзлаштирилди, бунга лойиҳалаштириш, қурилиш, моддий-техникавий таъминот, транспорт, маъбуот тарқатиш, ишлаб чиқариши корхоналари кирди. Улар акциядорлик жамиятлари, жомая, ижара корхоналари қаторидан ўрин олдилар. Кўпгина чет элик ҳамкорлар билан биргаликда қўшма корхоналар тузилди. Биргина буюк телефон алоқаси бўйича олти шундай корхона тузилди -- Ўзбекистон--Америка, Ўзбекистон--Малайзия, Индонезия, Жанубий Корея. Эндиликда алоқа корхоналарида ҳам бундай ишлар жадал олиб борилмақда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 июлдаги Фармони билан Алоқа вазирлиги замирида агентлик ташкил этилди. Вазирлигимизнинг агентликка айлантирилишидан мақсад почта алоқаси, информатика тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарушни келгусида янада ташкиллаштиришдир. Агентлик фаолиятининг асосий мазмуни вазифаларни маъмурий-буйруқбозлик услуби билан эмас, балки келишувлар, тавсиялар, илмий асослар, меъерий йўналтириш, истиқболлаш услуби билан ҳал

илмий изланишларнинг, жаҳоннинг илгор тажрибаларини чуқур таҳлил этишининг, ўрганишининг ва тадбиқ этишининг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Агентлик таркибий тузилмасига Давлат алоқа инспекцияси, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Алоқа электротехника институти, Алоқа коллежи каби бир қатор давлат корхоналари кирди. Агентлик бўлимлари ҳам бутунлай янгилаш шаклида: Информацион технологиялар ва хизматлар бўлими; бозорни қайта ташкил этиш ва қимматбаҳо қоғозлар бўлими; Маркетинг тадқиқотлари ва тарғиб бўлими; иқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилаш бўлими; юридик-ҳуқуқ бўлими; халқаро муносабатларни белгилаш бўлими.

Вазирликда бўлгани каби бўлимларнинг вазифаларига ишлаб чиқариш ва ҳўжалик вазифалари кирмайдир.

Акциядорлик компаниялари қатта вазифалар юклатилган. Акциядорлик компаниялари маҳаллий, шаҳарлараро алоқа, радиолоқаштириш, телевидение, почта, электралоқа хизматларига бўлган бозор талабларини қондиришни таъминлашларини белгилаб ўтмоқчиман. Бу жараёнда барча акциядорлик жамиятларни кўрсатилган хизматларнинг рақобатдошлигини, уларнинг сифатини ва номенклатурасини ошириш учун курашишти-

ри бўйича дивидендлардан (25 фоиз) ва бошқалардан тушадиган маблағлар жамғармини шакллантириш манбаасидир.

Сўзимнинг охирида қисқачина қилиб, жорий йилнинг 9 ойлиги якунлари бўйича иш кўрсатишларини санаб ўтмоқчиман. Яқинда бу ҳақда муҳокама бўлиб ўтди. 8,2 млрд сўм миқдорда хизмат кўрсатилган, бундан 1,7 млрд сўм аҳолига кўрсатилган хизматни ташкил этади. Абонентларга 18 минг янги телефон номерлари ўрнатилган. Почта корхоналарида иш ҳажми ортди. 900 кмдан ортиқ кабель ўрнатилди. Транс-Осиё Оврупо магистралда шийда толали кабел қурилиши туғатилди.

Чет элик ҳамкорлар билан ишлаш фаолиқ билан олиб борилмақда. 1997 йил охиригача 800 млн. АҚШ доллари миқдоридида чет эл инвестицияларининг тушиши кўзга туғилди. Муаммоларимиз кўрсатилган хизматларга катта миқдорда дебиторлик қарзлар маъжудлиги. Аҳолига кўрсатилган хизмат сифатлари анчагина ташвишга солмақда, масалан, Тошкент шаҳридаги телефонларнинг яхши ишламаслиги. Келтирилган ва бошқа муаммолар бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилмақда. Мазкур чора-тадбирлар муаммоларни мувоффақиятли ениб ўтишга, аҳолига ва халқ ҳўжалигига кўрсатилган хизматлар даражасини оширишга умид қилишга имкон беради.

Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига АБДУЛҲАМИД МАОРИФЧИ

Сўз санъаткори, бетакрор шoir Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов маълум муддат Туркистон Жумҳуриятининг Маориф халқ комиссарлигида илм-фанга раҳбарлик лавозимида ҳам ишлаган.

1918 йилнинг августда Тошкентда ўтган маҳаллий халқ муаллимларнинг курултойи қарори ва Мунавварчи Абдурашидовнинг, Солиқ Абдуқасимов ва бошқаларнинг қатъий талаби асосида Комиссарликда сентябр бошда ташкил қилинган "Туркий шўба" 1920 йил, мей ойида "Илмий бўлим" ташкил қилинди (бошлиги Ш.М.Дволейский). Шу даврда Русча да (Русий телеграф агентлигида) ишлаб турган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов Комиссарликка ишга қабул қилинди. (Журналист Ғози Юнусов Тошкент Эски шаҳар "МусРоста"да репортёр ва масъул муҳаррир эди). "Чинтойи гурунги"нинг ташаббуси билан Маориф комиссарлиги 1921 йил январ ойининг бошида ўзбек тили ва илмоси масалалари юзасидан Тошкентда Республика биринчи курултойини ўтказди. Курултойи белгиланган ишларни ўрганиш ва амалга ошириш учун комиссарликнинг тақдифи билан Абдулҳамид Сулаймон Юнусов, Эзбек, Вадул Маҳмудийдан иборат ҳайъат сайланди. (Курултойида ўзбек адабий тили меъсирати унли фонемалар 6, ундوش товшулар эса 23 ҳарф билан ифодаланиши қатъийлаштирилган эди). Маориф комиссарлигидаги "Илмий бўлим" ўрнига 1921 йил июл ойида "Илмий кенгаш" ташкил қилинди. Кенгашнинг бир неча ҳайъати бор эди, чунончи: илмий педагогика, театр-музыка, илмий илмий хайъатлар (Ўзбек, қозоқ, киргиз, туркман...) Абдулҳамид Сулаймон ўзбек илмий хайъатининг раиси қилиб тайинланди. Чўлпон Туркистон Маориф халқ комиссарлигида

шунинг ҳам кўрсатиб ўтмоқчимизки, шу курултойида Чўлпоннинг дўсти Маҳмуд Хоидиев -- Боту, Абдурауф Абдурахимов -- Фитратдан сўнг кўшимча марзула қилиб, араб алифбосини ислех қилиш билан кифояланмай, лотин харфлари асосида янги ўзбек алифбосини яратиш масаласини ўртага қўйиб, курултойи қатнашчиларига ўзи тузган алифбонини намойиш қилиб, ўз марзуласида бундай деган эди: "Бу тундай хозирги араб харфларини ташлаб, кўп мизиллар томонидан қабул қилинган лотин ёзувини тилимизгаги товушларга мувофиқ бир ҳолга келтириб қабул қилиш керакдир".

Маориф комиссари Шайх Аҳмадиев раислигида ўтган мазкур курултойи кўчлиқ овоз билан "Ҳозирча харфларни тузатув ҳақидагина сўз бўлсин" деган фикрга келган ва араб алифбосини ислех қилиб, ўзбек алифбосини тузиш йўлини маъқуллаган эди. Ботунинг мазкур фикри 1926 йил феврал ойида Бокуда ўтган туркологларнинг биринчи курултойида ўртага қўйилди... Абдулҳамид Чўлпон 1926 йил 27-29 август кунлари Самарқанд шаҳрида янги ўзбек алифбоси тўғрисида қаҳирланган илмий кенгашда фолд қатнашган, бу кенгашда лотин харфларига асосланган янги ўзбек алифбоси маъқуллаган. Бетакрор адиб Чўлпон -- Тонг юлдузи. Шўро ҳукуматининг сийсати тўғрисида кучта туғилганда, қирчиллама ёшлар, қамоққа олиниб, 1938 йилда отиб ўлдирилган. Шoir Мақсуд Шайхўда мана бу мисраларни қозоғча туширишда Чўлпоннинг тақдирини кўз олдида келтирган бўлса ажаб эмас. Умрлар бўлидики, тирингча улукдир, Умрлар бўлидики, улган ошам тирликдир. Тонг юлдузи ҳеч вақт сўнмайди, инсонлар ундан баҳраманд бўладилар. Илмодш Абдуллаев, педагогика фанлари номзоди

ДУШАНБА, 10

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.30 «Хафтаном».

8.30 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Дуппи». 8.40 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 9.05 Тўлкин. «Кайнар хумча». Йулдош Охунбобов номдаги Ёш томошбинлар театрининг спектакли. 10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Кино янгиликлари».

10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари» 10.40 Туркон Шарой «Мини» фильмида. 12.05 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги намунали оркестрининг концерти. 12.45 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий курсатув. 13.20 «Ўттикиннинг хошмушлик касалига чалинган». Мультфильм. 13.30—14.00 Телевизион миниатюралар театри. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Олтин тақа». Мультфильм. 18.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Сўғдиёна» (Жиззах). Ёзиб олинган. 19.05 «Олам ва одам». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.25, 23.40 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

